

**“Ўзэлектротерм” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан  
ташқари умумий йиғилиши**  
**БАЁНӢ № 1**

**“27” май 2020 йил**

**Наманган шаҳри**

**Мажлиснинг ўтиш жойи:** “Ўзэлектротерм” АЖ Наманган шаҳри, 8-март кўчаси, 3  
уйда жойлашган жамият мажлислар зали.

**Жами акциялар:** - 775 515 дона

**Йиғилишда қатнашдилар:** - 486 219 дона акция овози

**Шу жумладан:**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини  
бошқариш агентлиги вилоят худудий**

**бошқармаси:** - 480 334 дона акция овози

**Бошқа акциядорлар:** - 5 885 дона акция овози

**Умумий йиғилиш кворуми:** - 62,69 фоиз

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилояти худудий бошқармаси бошқарма бошлиғи З.Икрамов сўз бошлаб, худудий бошқарма томонидан “Ўзэлектротерм” АЖ Кузатув кенгашига “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 61,9 фоиз улушини Агентликка бериш ҳисобига “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги муносабати билан 2020 йил 14 апрелдаги №01-02/650-сонли хати юборилгани, шунга асосан “Ўзэлектротерм” АЖ Кузатув кенгашининг 27.04.2020 йилда йиғилиши ўтказилгани, унинг қарорига кўра:

-“Ўзэлектротерм” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Регламентини тасдиқлаш;

-“Ўзэлектротерм” АЖнинг Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида;

-“Ўзэлектротерм” АЖнинг тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида;

-“Ўзэлектротерм” АЖнинг ижроия органи раҳбар ва аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида;

- Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 27 май қуни соат 14-00 да Наманган шаҳрида жойлашган “Ўзэлектротерм” АЖнинг мажлислар залида қонунчилик асосида ўтказиш белгиланган, шунингдек, йиғилиш ўтказиладиган қуни вақти ва кўриладиган масалалар бўйича оммавий ахборот воситаларига жумладан Республика “Биржа” газетасининг 02.05.2020 йилдаги №48(2675)-сонида, “Наманган ҳақиқати” газетасининг 02.05.2020 йилдаги №26(19645)-сонида эълонлар чоп этирилиб, Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) эълон қилинган.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини бошлашдан аввал Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 66-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 27 апрелдаги йиғилиши қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига, жамият ходимларидан **саноқ комиссияси** аъзолигига жамият акциядорларидан:

1. Рахимов Бахромжон Мухитдинович,
2. Набиев Сойиб Мухитдинович,
3. Мамадалиев Адхамжон Абдуллаевич

номзодларини таклифини киритилганлигини ҳамда юқорида кўрсатилган саноқ комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича эътиrozлар бўлмаганлиги сабабли, йиғилиш иштирокчиларидан бир овоздан тасдиқлашларини сўради.

Йиғилиш иштирокчиларидан саноқ комиссияси аъзолигига: Рахимов Бахромжон Мухитдинович, Набиев Сойиб Мухитдинович ва Олимов Ариф Маъруфжанович номзодлари бир овоздан тасдиқланганидан сўнг, йиғилиш раиси саноқ комиссияси аъзоларидан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 68-моддасига асосан йиғилишни ўтказиш учун кворум бор ёки йўклиги ҳақида маълумот сўради.

Саноқ комиссияси раиси Рахимов Бахромжон сўзга чиқиб, жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жами овоз берувчи 727 824 дона акциядан 486 189дона ёки 62,69 фоиз эгалари иштирок этаётганлиги ҳамда йиғилишни ўтказиш учун кворум борлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси саноқ комиссия берган маълумотни инобатга олган ҳолда жамият акциядорларининг 2020 йил 27 майдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва йиғилиш иштирокчиларига кун тартибидаги масалаларни ўқиб эшиттирди.

#### **Кун тартибидаги масалалар:**

1. “Ўзэлектротерм” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш Регламентини тасдиқлаш;
2. “Ўзэлектротерм” АЖнинг Кузатув кенгашини аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида;
3. “Ўзэлектротерм” АЖнинг тафтиши комиссияси аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида;
4. “Ўзэлектротерм” АЖнинг ижроия органи раҳбар ва аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида;

#### **Кун тартиби муҳокамаси:**

1. Кун тартибидаги 1-масала юзасидан йиғилиш раиси А.Косимов сўзга чиқиб, “Ўзэлектротерм” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2020 йил 27 май куни бўлаётган навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ўқиб эшиттирди.

Йиғилиш регламентига құра, кун тартибига қўйилган 4 та масалалар бўйича маърузачи учун 5 минутдан 10 минутгача, музокарага чиқувчилар учун 2-3 минут берилган ҳамда йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича йиғилиш регламенти бўйича маърузачини таништирди. (Йиғилиши регламенти илова қилинади).

Йиғилиш раиси З.Икрамов йиғилишда иштирок этаётган акциядорлардан эътиroz ва қўшимча таклифлар бўлмаганлиги боис кун тартибидаги масалани овозга қўйди.

**Овоз берииш натижалари:**

**Ёқлаб овоз берганлар: 99,81 фоиз ёки 485 305 акция овози**

**Қаршилар, бетарафлар: йўқ.**

**2. Кун тартибидаги 2-масала юзасидан йиғилиши раиси А.Косимов ўз сўзини давом этирирад экан,** «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 63-моддасига муфовиқ жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар жамият Кузатув кенгаши миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга хақли эканлиги белгиланган. Ушбу қонунга мувофиқ жамият устав капиталидаги улуши 1 фоиздан юқори бўлган акциядорлардан жамият Кузатув кенгаши аъзолигига куйидаги номзодлар таклиф этилганини айтди:

Йиғилиши раиси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Икрамов Зафаржон, ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари в.б. Рахмонов Содикжон, ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари в.б. Валиев Зохиджон, бўлим бошлиғи Обилов Абдумалик, мутахассислар Ўринов Шерзод, Ортиков Шокиржон, Сайипов Алёр ҳамда жамият акциядорлари томонидан Абдулаев Абдулали Абдувалиевич ва Мусалимов Улугбек Мусаханович номзодлари кўрсатилганлигини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76-моддасида “Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби жамият устави билан белгиланади” деб кўрсатиб ўтилганлигин инобатта олиб “Ўзэлектротерм” АЖ уставида жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 та деб кўрсатиб кетилганлигини айтиб, 2019 йил учун Кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатилган номзодлар муносибларига кумулятив тартибда овоз беришларини сўради.

Йиғилиш раиси З.Икрамов йиғилишда иштирок этаётган акцидорлардан эътиroz ва қўшимча таклифлар бўлмагани боис кун тартибидаги масалани овозга қўйди.

**Овоз берииш натижалари:**

**Кузатув кенгаши аъзолигига кумилятив овоз берииш натижалари қуйидагича:**

№	Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар	Овозлар сони
1	Икрамов Зафаржон	485129
2	Рахмонов Содикжон	485129
3	Валиев Зохиджон	486150
4	Обилов Абдумалик	485124
5	Ортиков Шокиржон	485140
6	Ўринов Шерзод	485140
7	Сайипов Алёр	485139

8	Абдулаев Абдулали	486399
9	Мусалимов Улугбек	487365

**3. Кун тартибидаги 3-масала юзасидан йигилиши раиси,** «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 63-моддасига муфовик жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар жамият тафтиш комиссиясига аъзолигига миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли эканлиги белгиланган. Ушбу конунга мувофик жамият устав капиталидаги улуши 1 фоиздан юкори бўлган акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясига аъзолигига куйидаги номзодлар таклиф этилганлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилояти худудий бошқармаси томонидан жамият тафтиш комиссиясига аъзоларини қайта сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан “Ўзэлектротерм” АЖнинг Тафтиш комиссиясига сайлашга куйидаги номзодларни таклиф этди:

- |                      |                         |
|----------------------|-------------------------|
| 1.Боймирзаев Улугбек | -бошқарма бош хисобчиси |
| 2.Аскаров Улугбек    | -бош мутахассис         |
| 3.Ризаев Мақсуджон   | -бош мутахассис         |

Йигилиш раиси З.Икрамов йигилишда иштирок этаётган акциядорлардан эътиroz ва қўшимча таклифлар бўлмагани боис кун тартибидаги масалани овозга қўйди.

**Овоз берииш натижалари:**

**Ёқлаб овоз берганлар:** 99,81 фоиз ёки 485 305 акция овози

**Қаршилар, бетарафлар:** йўқ.

4. Кун тартибидаги 4-масала юзасидан йигилиш раиси А.Косимов сўзга чиқиб, Наманган вилоятидаги йирик саноат корхоналардан бири бўлган “Ўзэлектротерм” акциядорлик жамияти 1994 йилда собиқ иттифоқ давридаги УзНПО “Электротерм” ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида ташкил этилган ҳамда ушбу даврда бирлашмада мингдан зиёд ишчи-хизматлар ва инженер-техник мутахассислар фаолият кўрсатган. Жамиятнинг умумий ер майдони 36,0 гектардан зиёд бўлган бўлса, хозирга келиб атига 6,52 гектарни, шундан ишлаб чиқариш майдони 19656 кв.м.ни ташкил этади.

Хукумат томонидан корхонани соғломлаштириш борасида бир қатор чоратадбирлар амалга оширилган жумладан банкротликнинг бир неча йил суд санацияси таомили жорий этилиб, корхонани молиявий соғломлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 9 июндаги 361-Фсонли Фармойиши ва Давлат рақобат қўмитасининг 2013 йил 4 февралдаги 01К-ПО-сонли буйруғига асосан “Ўзэлектротерм” АЖни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ устав капиталидаги давлат улушкини ошириш хисобига берилган, бундан асосий мақсад ишлаб чиқаришни ривожлантириш, асосий буюртмачи сифатида махсулот турларини кўпайтиришдан иборат бўлган.

Бугунги кунга кадар “Ўзэлектротерм” АЖда корпоратив бошқарув талаблари етарли даражада жорий этилмаганлиги ҳамда бошқарув органи томонидан замонавий менежмент ташкил этилмаганлиги натижасида жамият қаровсиз холатга келиб қолган, жамиятда махсулот ишлаб чиқариш мавжуд эмас, у факат ижара тўловлари хисобига фаолият юритади, жамият худудида фаолият кўрсатаётган 10 дан ортиқ сокчи ва

фаррошлар акциядорлик жамияти штатлар бирлигига ишчи хизматчилар сони кўпайишини олдини олиб кичик корхоналар зиммасига юкландган, жами 32 та хўжалик юритувчи субъектлар билан ижара шартномалар тузилган бўлиб улардан бир ойда тушадиган тушум 27 081,7 минг сўмни ташкил этсада, хозирги кунда жамият ижроия органи штатлар бирлигига фаолият кўсатаётган 22 нафар ходимларнинг ойлик маош фонди 30 865,6 минг сўмни ташкил этади, шунингдек, шартнома асосида ёлланма юрист ва алоқачилар соҳалари бўйича хизмат кўрсатиб келган.

Барчасини жамият штатлар бирлигига ўtkазилса мажбурий тўловлардан ташқари бир ойлик иш хақи фондини 35 000,0 минг сўмдан зиёд ташкил этган бўларди, тушум эса 27 081,7 минг сўмдан иборат бўлиб, ушбу ҳолат жамиятни молиявий инқирозга олдиндан режалаштирилгандек.

“Ўзэлектротерм” АЖда корпоратив бошқарув талаблари етарли даражада жорий этилмаганлиги ҳамда замонавий мененжмент ташкил этилмаганлиги натижасида жамият қаровсиз ҳолатга тушиб, маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб қолди, фақат ишлаб чиқариш майдонларидан олинган арзимас ижара тўловлари ҳисобига фаолият юритиб келди.

“Ўзэлектротерм” АЖнинг бино –иншиотлари ва ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан жорий йилнинг март ойидаги “Ўзэлектротерм” АЖнинг устав капиталидаги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ улушини Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармасига ўтказилди.

Вилоят ҳокими X.Х.Бозаровнинг вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ишчи гурухи билан жорий йилнинг 2 май куни жамият худудига ташрифлари давомида жамият кам қувватда фаолият кўрсатаётганлиги, бино-иншиотлардан самарасиз фойдаланилаётганлиги шунингдек, жамиятнинг Наманган шаҳар Оромгоҳ массивида жойлашган, ҳудуди 1,7 гектар бўлган ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш маскани мутлок қаровсиз ҳолатда эканлигини кўриб(700 млн сўмга сотиб юборилган), ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларига қулай шарт шароитлар яратиш, янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш бўйича ўз тавсияларини берди.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, 15 йил давомида фаолият юритган ижроия органини раҳбар ва аъзоларини қайта сайлаш лозим деб ҳисоблаймиз. Бўлажак сайланадиган янги раҳбарга белгиланган режалар асосида иш ташкил этиш, бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш натижасида вилоят иктисодиётини ўсишига салмоқли хиссасини қўшиш вазифасини юклаймиз ва сўраймиз.

Йиғилиш раиси “Ўзэлектротерм” акциядорлик жамиятига бош директор этиб Жалалов Шариф Эркинжанович номзодини таклиф этди:

Йиғилиш раиси З.Икрамов йиғилишда иштирок этаётган акцидорлардан эътиroz ва қўшимча таклифлар бўлмаганлиги боис кун тартиbidаги масалани овозга қўйди.

*Овоз бериши натижалари:*

*Ёқлаб овоз берганлар: 99,81 фоиз ёки 485 305 акция овози*

*Каршилар, бетарафлар: йўқ.*

**Юқоридаги кўрилган масалалар юзасидан ва саноқ комиссияси тақдим этган  
маълумотлардан келиб чиқиб акциядорлар умумий йиғилиши  
ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Ўзэлектротерм” АЖ акциядорларининг 2020 йил 27 майдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламенти иловага мувофик тасдиқлансин.

2. “Ўзэлектротерм” АЖ Кузатув кенгаши аъзолигига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси бошлиги Икрамов Зафаржон, худудий бошқарма бошлиги ўринбосари в.б. Раҳмонов Содикжон, худудий бошқарма бошлиги ўринбосари в.б. Валиев Зоҳиджон, бўлим бошлиги Обилов Абдумалиқ, мутахассислар Ўринов Шерзод, Ортиқов Шокиржон, Сайипов Алёр ҳамда жамият акциядорлари Абдуллаев Абдулали Абдувалиевич ва Мусалимов Улугбек Мусахановичлар сайланганлиги тасдиқлансин.

3. “Ўзэлектротерм” АЖнинг тафтиш комиссияси аъзолигига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси бошхисобчиси Боймирзаев Улугбек ҳамда бошқарма бош мутахассислари Аскаров Улугбек ва Ризаев Максуджон номзодларни сайланганлиги тасдиқлансин.

4. “Ўзэлектротерм” АЖ бош директори вазифасида ишлаб келган Зиятов Тохир Собирович билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин.

“Ўзэлектротерм” АЖ бош директори вазифасини вақтинча бажарувчиси этиб Жалалов Шариф Эркинжанович сайлангани тасдиқлансин ҳамда у билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузиш вазифаси кузатув кенгашига юклатилисин.

*Изоҳ: Йиғилиши қарантин қоидаларига риоя қилиниб, оралиқ масофати сақлаб, ҳар бир кузатув кенгаши аъзоларини тата хароратлари ўлчангани холда тиббиёт никоблари билан “Ўзэлектротерм” АЖнинг мажлислар залида ўтказилди.*

Йиғилиш раиси:

А.Косимов

Баёнлаштирувчи:

С.Дадабоев

